

Аҳоли Пунктларининг Ерларига Оид Ҳуқуқий Муносабатларда Сунъий Интеллектни Қўллаш: Миллий Ва Хорижий Тажриба

О.Ж. Холмунинов

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизда аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларни сунъий интеллект долзарб вазифа сифатида миллий ва хорижий тажрибани илмий таҳлили ва сўнгги йилларда ҳуқуқий муносабатларнинг кафолатлари бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, хусусан конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар ривожда ерга доир ҳуқуқий муносабатларни сунъий интеллект борасида қонунчилик механизмлари такомиллаштирилиши каби масалалар баён этилган. Шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этишда аҳоли пунктларининг ерларида сунъий интеллект ўта муҳим вазифалардан бири саналиши, мамлакатимизни дунё миқёсида етакчи ўрин эгаллашини шунингдек, ушбу масалаларни илмий-тадқиқот усуллари ва таҳлилларга кўра асослантирилган..

Таянч сўзлар: сунъий интеллект, сунъий интеллект технологиялари, сунъий интеллектни долзарблиги, сунъий интеллектни натижадорлиги, аҳоли пунктларининг ерларида сунъий интеллект, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларни сунъий интеллектни қўллаш юзасидан тақлиф-тавсиялар.

КИРИШ

Аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларни рақамлаштириш масалалари, уларнинг таҳлили ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жараён, ер ресурсларидан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш, коррупция хавфини камайтириш, ерга эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш тизимини соддалаштириш ва ер солиғини йиғишни оптималлаштиришга жуда катта ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигидаги саккизта тоифасига нисбатан бу жараёнлар амалга оширилаётганлигига гувоҳимиз, бироқ, айнан улар орасида аҳоли пунктларининг ерлари муҳимлиги ва илмий-тадқиқотга муҳтожлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш мақсадида, батафсил тўхталишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

1955 йил 31 август “Сунъий интеллект” (Artificial Intelligence – AI) атамаси АҚШ олими Жон Маккарти (John McCarthy) томонидан кашф этилган. Маккарти бу терминни Марвин Мински, Натаниэль Рочестер ва Клод Шеннон билан бирга ишлаб чиққан ва у АИни “10 киши иштирокидаги сунъий интеллект бўйича икки ойлик тадқиқот” тақлифида пайдо бўлди ҳамда “интеллектли машиналар яратиш илми ва муҳандислиги” сифатида таърифлаган. Бу термин кибернетика билан боғлиқликдан қочиш ва янги соҳани аниқлаштириш учун танланган. Орадан бир йил ўтиб, 1956 йилнинг июль-август ойларида бўлиб ўтган семинар янги терминнинг расмий туғилган санаси ҳисобланиши [1] қайд этилган. *Интеллект* – инсоннинг тафаккур юритиш қобилияти. *Сунъий интеллект* – инсон интеллектининг баъзи вазифаларини ўзида мужассамлаштирган автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар хусусияти ҳисобланади [2].

Мазкур тушунча мазмунидан келиб чиқиб, фикримизча, *аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларда сунъий интеллектни қўллаш* – соҳада рақамлаштириш

жараёнларининг рўёбга чиқариш ва натижаси ҳисобланиб, шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар, дарахтзорлар эгаллаган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, сув фонди ерлари, захира ерларини автоматик равишда мониторинг қилиш ва ҳисобини юритишни имкониятини тақдим этади.

Ҳозирги кунда ер қонунчилигидаги ҳуқуқий нормаларни аниқ ва шаффоф тарзда амалда тадбиқ этиш мақсадида, ушбу улкан соҳада сунъий интеллектни қўллаш мутлақо янгидан такомиллашиб, шунингдек, ушбу тизимни сунъий интеллектни долзарблиги туфайли “YerxususiyLashtirish” автоматлаштирилган ахборот тизими, “E-auksion” электрон савдо платформаси, “E-qaror” тизими, “Kadastr.uz”, “Gis.kadastr.uz”, “Yer.geoportal.uz”, “Davreestr.uz” тизимлари, “Uzcad” дастури ҳамда “Huquqlarni e'tirof etish” tizimi кабилар яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Хусусан, мамлакатимиз электрон ҳукуматининг асосий тизими – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ишга туширилгач, ушбу соҳада, шунингдек, давлат бошқарувида янги технологияларни жорий этиш ва рақамлаштириш билан биргаликда сунъий интеллект имкониятларини унумли фойдаланиш амалтиётига ўтилди [3].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 6 октябрь куни октябрь куни мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга кенг жорий этиш юзасидан тақдимот йиғилиши ўтказилди ва ушбу тақдимотда: *“Сунъий интеллект технологиялари давлат бошқарувида самарадорликни ошириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга хизмат қилади. Сунъий интеллектни тезроқ ривожлантириши учун доимий равишда илгор, ўзини оқлаган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиб бориш зарур. Бунинг учун соҳада самарали фаолият юритаётган ватандошларимиз, хорижий экспертлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш керак”* лиги алоҳида қайд этилиб, бир қатор устувор вазибаларни белгилаб берди [4].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Аҳоли пунктларининг ерлари таркибига Ўзбекистон Республикасининг 59-модда[5]сида белгиланганидек, шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради: шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари; умумий фойдаланишдаги ерлар; қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар; дарахтзорлар эгаллаган ерлар; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари; сув фонди ерлари; захира ерларни таркибини ўзида жамлаб олади. Ер фондининг бошқа барча тоифасирақамлаштириш орқали сунъий интеллектга оид электрон дастурлар имкониятидан фойдаланиш бугунги давр талаби эканлиги муҳим ҳисобланади.

Бу ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон Фармони [6] асосида ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши янги имкониятларни очиб берар экан, давлат томонидан кенг қўлланли қўллаб-қувватлашни ҳамда республиканинг халқаро ахборот-коммуникация технологиялари бозоридаги ўрнини кучайтиришни талаб қилишини ва барча соҳаларда сунъий интеллектни қўллаш юзасидан илк ижобий натижаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарорига [7] асосан, Сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 10 тадан – 1500 тага етказишни, шунингдек,

Хукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистоннинг ўрни 87 ўридан – 50 ўринга тушириш стратегик мақсадли кўрсаткичлар сифатида пратматик режа қилингани бежиз эмас албатта.

Демак, қайд этиш керакки, аҳоли пунктларининг ерлари доир қонунчилигида сунъий интеллектни қўллашнинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқларини рўйхатга олинишида, **автоматлаштирилган электрон тизимда расмий рўйхатдан ўтказилади.**

Иккинчидан, ерга оид ҳужжатларнинг **ягона тизимда жамланиши мақсад қилинади, бунда ер билан боғлиқ барча транзакциялар** (сотиш, ўтказиш, мерос ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар) давлат томонидан тасдиқланиб, ягона электрон базада сақланади. Бу тизим мулккий низоларни камайтириш ва ерга бўлган ҳуқуқларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, ерга оид ҳуқуқий муносабатлар **давлат назорати ва кафолатини амалга оширишда** муҳим бўлиб, ушбу жараёнда рўйхатга олиш давлат идораси томонидан амалга оширилади. Давлат рўйхатга олинган маълумотларнинг тўғрилигига кафолат беради, бу эса ишончликни ошишига эришилади.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларни амалга оширилишида сунъий интеллектни қўллаш масаласида айрим хорижий мамлакатлар тарихи ва миллий қонунчилигига назар соладиган бўлсак, жуда ҳам ижобий қарашларни ва амалиётни кўришимиз мумкин. Жумладан,

Россия Федерациясида 2015 йил 13 июлдаги “Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги 218-ФЗ-сонли Қонунининг 1-моддаси 6-бандига кўра, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 130, 131, 132, 133¹ ва 164-моддаларига мувофиқ, кўчмас мулкка ва у билан боғлиқ битимларга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Федерал қонунда белгиланган ҳолларда, кўчмас мулкка нисбатан, шу жумладан шартнома ёки давлат ҳокимияти органи ҳужжати ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи ҳужжати асосида юзага келадиган ҳуқуқ чекловлари ва мажбуриятлар, хусусан, сервитут, ипотека, ишончли бошқарув, турар жой ижараси, ижараси “ЕГР – Ягона давлат реестри” давлат рўйхатидан ўтказилиши керак [8]. Шунингдек, 2019 йил 10 октябрдаги “Россия Федерациясида сунъий интеллектни ривожлантириш тўғрисида”ги 490-сон Фармони [9] асосида 2015 йилдан буён ер фонди тоифалари сунъий интеллектни қўллаган ҳолда электрон тарзида амалга оширилиши жадаллаштирилган.

Жанубий Кореяда 2003 йилда бошланган “ақлли шаҳар” оқими бошланганидан сўнг, 2008 йилда Жанубий Корея Парламенти томонидан “Шаҳарлар қурилиши тўғрисида”ги қонунини қабул қилади ва ушбу қонунга асосан шаҳарларни тўлиқ компьютерлаштириш амалиётини ишга тушуради ва фаоллаштиради [10]. Натижада телекоммуникация тармоқлари билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини яратиш компаниялар ва марказий ҳукумат томонидан назорати асосида жаҳонда биринчилардан бўлиб, “Смарт шаҳар”ларга эга бўлишади [11]. Жанубий Кореяда кадастр (ер рўйхати) тизимини бошқарадиган асосий идора 2015 йилда **LX** (LX Korea Land and Geospatial Informatix Corporation) бўлиб, у ер ҳуқуқларини рўйхатга олиш, кадастр маълумотларини бошқариш ва геомавзуй ахборотларни таъминлайди. Сунъий интеллект асосидаги кадастр тизимининг замонавий номи **Land-XI** (Land eXpert Intelligence) деб аталади. Бу платформа 2025 йилда K-GEO (геомавзуй ахборот фестивал)да тўлиқ илгари суриб чиқилган ва AI (Ер участкаси маълумотларини автоматик талқин қилиш, чегараларни аниқлаш, нархларни прогнозлаш ва геодезик ўлчовларни оптимизация қилиш), дронлар, рақамли иккилик ва бошқа технологияларни ишлатиб, ер бошқариви, кадастр маълумотларини таҳлил қилиш,

режа қилиш ва ҳатто табиий офатларни (масалан, ўт ўчишини) олдини олиш учун мослаштирилган (www.lx.or.kr).

Озарбайжон Республикасида кадастр (ер рўйхати) тизимини бошқарадиган асосий идора Daşınmaz Əmlakın Kadastrı və Reyestri (DEDKR – Дашинмаз Эмлакин Кадстры ве Рейестри) бўлиб, у Иқтисодиёт вазирлигига томонидан бошқарилади. Кадастр тизимининг рақамли шакли Digital Land Cadastre Information System (Рақамли Ер Кадастр Ахборот Тизими) деб аталади ва 2010 йилдан бошлаб жорий этилган. Бу тизим ер участкаси маълумотларини, чегараларини ва ҳуқуқларини электрон базаларда сақлашни таъминлайди, лекин ҳозирча тўлиқ сунъий интеллект (AI) интеграцияси ҳақида аниқ маълумот йўқ – у асосан GIS (геомавзуй ахборот тизимлари) ва автоматизацияга таянади [12].

Хитойда кадастр (ер рўйхати) тизимини бошқарадиган асосий идора Ministry of Natural Resources (Табиий ресурслар вазирлиги) бўлиб, у ер ҳуқуқларини рўйхатга олиш, кадастр маълумотларини бошқариш ва геомавзуй ахборотларни таъминлайди. Сунъий интеллект (AI) асосидаги кадастр тизимининг замонавий номи SinoLC (SinoLandCover) деб аталади. Бу тизим 2023 йилда яратилган ва deep learning (чуқур ўқитиш) фреймворки орқали 1 м резолюциядаги миллий миқёсдаги ер қоплама (land-cover) харитасини яратиш учун ишлатилган. SinoLC илк бор Google Earth'дан олинган очиқ маълумотлар асосида Хитойнинг бутун ҳудудини камраб олади ва ер участкасининг турини (масалан, шаҳар, қишлоқ, ўрмон, сув ерларини) автоматик талқин қилиш, чегараларни аниқлаш ва кадастр маълумотларини янгилаш учун AI моделларидан фойдаланади [13].

Испанияда кадастр (ер рўйхати) кадастр тизими 1861 йилдан ривожланган бўлиб, тизимини бошқарадиган асосий идора Dirección General del Catastro (Молия вазирлиги ҳузурида фаолият олиб боради), у ер ҳуқуқларини рўйхатга олиш, кадастр маълумотларини бошқариш ва геомавзуй ахборотларни таъминлайди. Испанияда 2003 йилда электрон шаклга ўтган (Sede Electrónica del Catastro). Сунъий интеллект (AI) интеграцияси 2021-2025 йиллардаги “Digitalización de las AAPP” (Давлат идораларини рақамлаштириш) дастури доирасида бошланган, замонавий номи CATIA (Catastro Inteligente Asistente) эса 2024 йилда илк бор жорий этилган. Кейинги лойиҳаларда AI ўта қийин суратларни талқин қилиш ва 3D моделлар яратиш учун кенгайтирмоқда. Бу тизим 2024 йил 27 майда ишга туширилган ва Sede Electrónica del Catastro (SEC – Электрон кадастр платформаси)да фойдаланилади. CATIA – бу виртуал ёрдамчи (asistente virtual), у AI орқали фойдаланувчиларнинг саволларини тилдаги табиий шаклда (lenguaje natural) қабул қилиб, жавоб беради, кадастр маълумотларини (масалан, ер участкаси ҳолати, рўйхат, нархлар) тез ва осон талқин қилади [14].

НАТИЖАЛАР

Демак, юқоридаги қайд этилган хорижий давлатларнинг амалиёти ҳам бизни республикамиздаги ерга оид муносабатларига ўз таъсирини кўрсатди ва сунъий интеллектни қўллаш натижадорлиги сифатида куйидаги жараёнларни амалиётга тадбиқ этилишини тезлаштирди.

Биринчидан, малакатимизда рақамлаштириш устувор вазифаларидан бири сифатида аниқ белгиланиш амалиётига ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш номи 9-мақсадида: “Рақамли идора” лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш” тизими жорий этилди. Бу жараёнларда, қайд этишимиз керакки, барча давлат органлари ва турли соҳалар каби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва Кадастр палатаси тўлиқ

автоматлаштирилган бир неча рақамли дастурлари орқали сунъий интеллектдан самарали фаолиятини таъминлайди [15].

Иккинчидан, Аҳоли пунктларининг ерларидаги айрим тоифалари алоҳида сифатида аниқ чора-тадбирлар режа қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сон қарори билан асосида 2023-2024 йилларда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатининг 52-бандида: “Ер участкаларини хусусийлаштириш имкониятини берувчи «YerxususiyLashtirish» автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириш”. 55-бандида эса: “Ер ҳисоботини юритиш бўйича «YER HISOBOT» автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш” [16]. **Мазкур вазифалар албатта ҳозирги кунда амалда тўлиқ самарали қўлланилиб, ҳуқуқ субъектлари ҳамда мулкдорларга тегишли хусусий мулкка бўлган муносабатларидан онлайн тарзида фойдаланиши ва кузатиш имконияти бермоқда.**

Учинчидан, мамлакатимизда сунъий интеллектни қўллаш жараёнлари муҳим давлат сиёсатининг натижадорлик мезони сифатида 2030 йилга аниқ стратегияларни қамраб олинишига эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони [17] нинг 60-бандида: ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш масалаларидан бири сифатида, “Урбанизация даражасини 51 фоиздан 60 фоизга етказиш чораларини кўриш, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини “миллионлик шаҳарлар”га айлантириш, 300 мингдан кўп бўлган шаҳар ва туманлар сонини 28 тага етказиш, барча аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш” каби устувор вазифа белгиланган. Ҳозирги вақтда бу борада давлат органлари ва барча соҳаларда ишлар жадал равишда олиб борилмоқда.

Қайд этишимиз лозимки, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларининг таснифи сифатида ҳуқуқий муносабатларнинг деярли барчасида ўз аксини топади. Бироқ, ҳуқуқ тармоқларида ва тизимида ҳар бир ҳуқуқий муносабатларнинг ўз чегараси бўлишини ҳар бир ҳуқуқий фан олқишлайди ҳамда қўллаб-қувватлайди. Шу ўринда, таъкидлаш ўринлики, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларини сунъий интеллектни қўллаш давлатнинг фақат маъмурий-ҳуқуқий муносабати ёки маъмурий регламенти бўлиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, аҳоли пунктларининг ерлари тоифаси мисоли тарзида тўхталиб ўтсак, мамлакат миллий қонунчилигида ер ёки унинг устида жойлашган уйлар ҳамда бино-иншоотларни реализация қилиш ва эгалик ҳуқуқи кимга тегишли эканлиги билан боғлиқ жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий муносабат сифатида рақамлаштирилиш амалиётига эришдик. Бироқ, ҳали айнан аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларни доираси кенгдир. Ана шундай ҳуқуқий муносабатлардан энг кенг доирадаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг келтириб ўтишни ўринли деб ҳисобласак бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 170-моддасида: “Ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади” [18] номли ҳуқуқий норма белгиланган бўлса-да, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, битим ва шартномалар объекти ва айрим ер фонди тоифалари, ашвий ҳуқуқлар масалалари тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Аниқ мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон Фармони [19] ҳамда 2022 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-405-сон Қарори [20] асосида ҳар бир ҳудудларимизда ўтказилаётган хатловлар натижаси 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Кадастр ва кўчмас

мулкни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимида “Uzkad” давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киришини эътиборга олиб, электрон базаси ўз аксини топиши қайд этилди. Жумладан, ҳозирги вақтда янги интеграциялашган ахборот тизими ишга туширилиб, ҳозирга қадар республикадаги 40,5 млн гектар ер майдонининг электрон харитаси яратилди ва улар тўғрисидаги маълумотлар рақамлаштирилган бўлса, қолган ер майдонларини ҳам тўлиқ охирига етказиш режалаштирилганлиги ушбу ҳуқуқий муносабатларда сунъий интеллектни қўллаш орқали ижобий натижа маҳсули десак бўлади.

Янги таҳрирда қабул қилиниши назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасида албатта ер фонди тоифалари, бири бўлган аҳоли пунктларининг ерларига оид фуқаролик-ҳуқуқий тартибдаги ҳуқуқий нормалар ҳамда сунъий интеллектни қўллашга доир ҳуқуқий терминлар ўз аксини топиши зарур деб ҳисоблаймиз.

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларида сунъий интеллектни қўллаш юзасидан қуйидаги таклиф-тавсияларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан,

Биринчидан, мамлакатимизда барча соҳалар ва давлат органлари фаолиятида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш амалиёти қўлланилаётган бўлса-да, миллий қонунчилигимизда масалан аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларида сунъий интеллектни қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси мазмунида рақамлаштириш ҳақида ҳуқуқий нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳуқуқий муносабатлар ва уларга таркибига кирувчи объектлардан фойдаланиш жараёнида сунъий интеллектни қўллаш амалга оширилмоқда, бироқ, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларида сунъий интеллектни қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (мас. 81-101-моддаларида) мазмунида рақамлаштириш ҳақида ҳуқуқий нормаларни киритишга эҳтиёж юқоридир;

Учинчидан, аҳоли пунктларининг ерлари ва унинг таркибидаги ерларга оид ҳуқуқий муносабатларида сунъий интеллектни қўллаш Россия, Хитой, Испания, Жанубий Корея, Озарбайжон каби давлатлар қаторида бизнинг мамлакатимизда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўлланилаётган мукамал тизимлардан халқимиз, ҳуқуқ субъектлари ва ҳар бир мулкдорлар томонидан ишончли ҳамда шаффоф тарзда фойдаланиш натижасини тақдим этади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланган адабиётлар / Исползованная литература / References:

1. <https://www.forbes.com/sites/gilpress/2016/12/30/a-very-short-history-of-artificial-intelligence-ai/>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
2. https://znanio.ru/media/cunij_intellekt_tushunchasi_na_uzbekskom_-256475.
3. https://uza.uz/uz/posts/raqamlashtirish-yangi-ozbekiston-taraqqiyyotining-muhim-drayveri_365849. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
4. <https://president.uz/uz/lists/view/8545>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. – № 5-6. – 82-м. <https://lex.uz/docs/152653>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – № 26. – 576-м. <https://lex.uz/docs/3249651>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.10.2024 й., 07/24/358/0825-сон. <https://lex.uz/docs/7158604>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
8. <http://www.kremlin.ru/acts/bank/39949/page>. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).

9. <http://www.kremlin.ru/acts/bank/44731/page>. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).
10. Козлов Л.Е. ИКТ и искусственный интеллект в региональной политике Республики Корея. https://koreanology.ru/static/articles/Koreanology_2023_23_90-99.pdf. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).
11. Korea's Smart City. Ministry of Land, Infrastructure, and Transport. Sejong, 2023. 34 p. URL: <https://smartcity.go.kr/wp-content/uploads/2022/09/2023-Smart-city-brochure.pdf>. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).
12. <https://dedkr.gov.az/az>. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).
13. <https://essd.copernicus.org/articles/15/4749/2023>. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).
14. <https://www.iberley.es/noticias/el-catastro-lanza-catia-un-asistente-virtual-mejorar-atencion-ciudadano-su-sede-electronica-33620>. (Дата обращения: 10.10.2025 г.).
15. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>. (Мурожаат вақти: 05.10.2025 й.).
16. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2023 й., 07/23/162/0295-сон. <https://lex.uz/docs/6472548>. (Мурожаат вақти: 05.10.2025 й.).
17. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон. <https://lex.uz/docs/6600413>. (Мурожаат вақти: 05.10.2025 й.).
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. - № 2. <https://lex.uz/docs/111189>. (Мурожаат вақти: 05.10.2025 й.).
19. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2020 й., 06/20/6061/1262-сон. <https://lex.uz/docs/4985026>. (Мурожаат вақти: 05.10.2025 й.).
20. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.10.2022 й., 07/22/405/0947-сон. <https://lex.uz/docs/6246717>. (Мурожаат вақти: 05.10.2025 й.).